

ҳар доим қисман узатиш мақсадида бир семиотик тизимдан бошқасига ўтишни амалга оширувчи икки тил соҳибининг талқинча сифатидаги шахсий қобилиялари асосидаги руҳий-жисмоний фаолияти давомида воқеланади”<sup>1</sup>.

Хронологик тартибда тақдим этилган таъриф-тавсифлар таҳлили таржима тўғрисидаги тасаввурлар аста-секин мураккаблашиб, ҳозирги босқичда бавоситалик-таржимоннинг воситачилик фаолиятига ишора, вариативлик-таржима вариантларининг кўплаб эҳтимоллари, аслият матнига таржиманинг муқобиллиги-таржима сифатининг, таржима ижтимоий аҳамиятининг, белгига оид (семиотик) табиатининг асосий мезонлари эканлигини кўрсатмоқда.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Федоров А.В. Основы общей теории перевода, М., 1983. С. 10.
2. Бархударов Л.С. Язык и перевод. М.: Междунар. Отношения, 1975. С. 27.
3. Черняковская Л.А. Перевод и смысловая структура. М., 1976. С. 3.
4. Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексические воп.). М., 2000. С. 11.
5. Алексеева И.С. Введение в переводоведение. СПб., 2004. С. 7.
6. Гарбовский Н.К. Теория перевода. М., 2004. С. 216

## “БОБУРНОМА” АСАРИДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Курганов А.М.  
ИИВ Академияси доценти

**Аннотация:** Ўз даврида ҳақиқий солнома ҳисобланган, ҳозирги кунга келиб ҳам ўзининг илмий-адабий қимматини йўқотмаган Заҳиридин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” қомусий асари бир қатор таржимонлар томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Ушбу тезисда “Бобурнома” асарини Уилер Тэкстон ва Салман Ружди томонидан инглиз тилига қилинган таржимасида қўлланилган ҳарбий терминларни асл тилда берилган терминларга мувофиқлиги қиёслаб ўрганилган.

**Калит сўзлар:** Бобурнома, ҳарбий термин, тарих, тилшунослик, адабиётшунослик, лингвомаданий.

“Бобурнома” асаридаги ҳарбий соҳага оид терминлар хусусида тўхталадиган бўлсак ҳарбий мақсадлар ва ҳаракатларни баён қилишда Бобур Мирзо ҳарбий қўмондон сифатида фикр юритган ва ушбу фикрларни қоғозга туширган.

Куйида “Бобурнома” асари бўйича келтирилган мисоллар инглиз ва ўзбек тилларида таҳлил қилинган. Масалан: *буронгор, жувонгор, ировул/ҳировул*

Хусусан, қуйида келтирилган гапдаги *буронгор, жувонгор, ировул* сўзлари ҳарбий терминлар бўлиб, қуйидагиларни англатади: *буронгор* – қўшиннинг ўнг қаноти, *жувонгор* – қўшиннинг чап қаноти, *ировул* – лашкарнинг олдинда борувчи қисми; авангارد:

*Ганимнинг буронгори бизнинг жувонгоримизни босиб орқага эврулди, ировул ҳам ўнг қўл сари қолиб, олимиз яланг бўлди*[1.80].

Мазкур гапнинг инглизча таржимасида *буронгор* – *right*, *жувонгор* – *left*, *ировул* – *van* сўзлари билан таржима қилинган. Инглиз тилида қўшиннинг ўнг ёки чап қаноти тушунчаларининг факат *right* ва *left* сўзлари билан ифодаланиши оддий ҳолат ҳисобланади ва бу сўзлар ҳозирги инглиз тилида ҳам ҳарбий терминлар сифатида истифода этилади:

*His right beat our left, then wheeled (again) to our rear. (As has been said), the front of our centre was bare through our van's being left to the right*[2. 139].

*Van* сўзи хусусида алоҳида тўхталадиган бўлсак, ушбу сўз ҳозирги инглиз тилида “илғор” ҳамда ҳарбий термин сифатида “илғор отряд” маъносида қўлланади. У XVII асрнинг бошларида *vanguard* сўзининг қисқартирилган шакли сифатида пайдо бўлган. *Vanguard* сўзи эса инглиз тилида XIV-XV асрларда француз тилидан кириб келган. Французча *avant* – олдин, *garde* – қоровул. “Бобурнома”да *ировул* сўзининг ҳировул шакли ҳам қўлланган.

#### ясол, кежим, тўра, яёқ

Кўшиннинг марказий қисмини Бобур бир неча ўринда гул сўзи билан ифодалаган:

*Эртасига биз ҳам буронгор, жувонгор, гул, ҳировулни тартиб қилиб, кежим кийиб, яроганиб, ясол ясаб, тўра кўтарган яёқларни олимизга солиб, ганим устига юрудук.*

<sup>1</sup> Гарбовский Н.К. Теория перевода. М., 2004. С. 216

*Next day we moved out against him, formed up with right and left, centre and van, our horses in their mail, our men in theirs, and with foot-soldiers, bearing mantelets, flung to the front[4. 113].*

Мазкур мисолдаги “жанговар саф”ни ифодаловчи ясол, “отларга ёпиладиган зирхли ёпинчиқ” маъносидаги кежсум, “одам бўйи баробар қалқон” маъносидаги тўра ҳамда “пиёда аскар” маъносидаги яёқ сўзлари ҳам ҳарбий терминлар сирасига киради. Инглизча таржимада ясол ясад феълини таржима килишда инглиз тилида ҳарбий термин сифатида одатда шу ва шунга ўхшаш маъноларда фаол истемолда бўлган *to form* феъли истифода этилган. “Бобурнома”да ишлатилган кежсум сўзи инглиз тилига тарихий ҳисобланувчи “метал ҳалқалар ёки япроқлардан ясалган кийим ёки ёпинчик” маъносидаги *mail* сўзи билан таржима қилинган. Ушбу инглизча сўз айнан жанговар отларга кийдириладиган зирхли ёпинчиқни англатмаганлиги учун таржимон *horses* (отлар) сўзини қўллаб аниқлик киритган. “Одам бўйи баробар қалқон” маъносидаги тўра сўзи учун таржимон *mantelet* сўзини танлаган. Ушбу сўзнинг ҳозирги инглиз тили учун бир нечта маънолари қайд этилган. Биринчиси “елкага илиб юриладиган енгиз нимча”, иккинчиси тарихий бўлиб “асосан ёғочдан ясалган катта ўлчамдаги қалқон, тўсиқ” ва ҳозирда фаол бўлган иккита маъноси ҳарбий соҳага алоқадор бўлган “ўт очиш нуқтасини ёпиб турувчи тўсиқ” ва “кузатувчи яширинган жой” маъноларини англатади. “Бобурнома”нинг инглизча таржимасида Бобур “пиёда аскар” маъносида қўллаган яёқ сўзини таржима қилишда “*foot-soldier*” сўзидан фойдаланилган, бироқ бу ибора ҳозирги инглиз тилида ҳарбий термин хусусиятига эга эмас ва асосан корхона, ташкилот ва шу кабиларнинг энг паст лавозимлардаги оддий ҳодимларига нисбатан ишлатилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Бобурнома” асарининг инглизча таржимасини унинг аввалги таржималари билан аслиятга солиширган ҳолда қиёсий аснода таҳлил қилиш мустақил монографик изланишини тақазо этади. Ўйлаймизки, бундай таҳлилдан таржима назарияси ва амалиётимиз учун муҳим натижалар кўлга киритилади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Муҳаррир А.Ўқтам. Т.: Юлдузча, 1989, 80-бет.
2. The Bābur-nāma in English (Memoirs of Bābur). Translated from the original Turki Text of Zahīru'd-dīn Muḥammad Bābur Pādshāh Ghāzī by Annette Susannah Beveridge. Issued in Four Fasciculi: - Farghana 1912 – Kabul 1914 – Hindustan 1917 – Preface, Indices, etc. 1921. Vol. I. Sold by LUZAC & CO., 46, Great Russel Street, London. 1922, P. 139.
3. Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев; Муҳаррир А.Ўқтам. Т.: Юлдузча, 1989, 64-65-бет.
4. The Bābur-nāma in English (Memoirs of Bābur). Translated from the original Turki Text of Zahīru'd-dīn Muḥammad Bābur Pādshāh Ghāzī by Annette Susannah Beveridge. Issued in Four Fasciculi: - Farghana 1912 – Kabul 1914 – Hindustan 1917 – Preface, Indices, etc. 1921. Vol. I. Sold by LUZAC & CO., 46, Great Russel Street, London. 1922, P. 113.

### **МУРАККАБ СИНТАКТИК БУТУНЛИК – СТИЛИСТИК ҲОДИСА СИФАТИДА**

**Бегматов М.Б.**

**СамдЧТИ профессори**

Стилистик назария тараққиётининг ҳозирги босқичида янги-янги тушунчалар пайдо бўлиб, у ёки бу илмий тадқиқот ишларининг текшириш обьектига айланмоқда. Мураккаб синтактик бутунлик ва йирик синтактик бирликлар каби синтактик бирликлар ҳам худди ана шундай тушунчалардан ҳисобланади. Мураккаб синтактик бутунлик терминологик тушунчаси йирик синтактик бирликлар терминологик тушунчасига нисбатан қисман куляйроқ бўлганлиги ва унинг лингвистик моҳияти сабабли бу тушунча кўпроқ татбиқ қилинмоқда. Чунки ҳозирги даврда жуда кўплаб тилшунослик фанларида мураккаб синтактик бутунлик стилистик ҳодиса сифатида кенг қўлланилмоқда. Ҳозирда унинг янги-янги номланувчи вариантлари юзага келаётганинг гувоҳ бўламиз. Ушбу фикримизнинг исботи учун мураккаб синтактик бутунликка нисбатан рус тилида расмийлаштирилган қуйидаги терминологик тушунчаларни келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: “Сложное синтаксическое целое”, “сложные синтаксические комплексы”, “сложное синтаксическое единство”, “сверхфразовое единство”, “прозаическая строфа”, “крупный текст”, “большое синтаксическое целое”, “обширный синтаксический комплекс”.

Демак, мураккаб синтактик бутунликка нисбатан қўлланилаётган бундай хилма-хил терминологик тушунчалар қандай аталишларидан қатъий назар, улар ягона лингвистик моҳиятга эга бўлади ва факат шу стилистик ҳодиса учун хизмат қиласи.